Ушбу сонда:

2 *Ҳақли эътироз* СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА ҲАМОН МУАММО

3 АФҒОНИСТОН: УРУШНИНГ МАШЪУМ МЕРОСИ

4 *Истиқлол шарофати* ҲАЖ-УЛУҒ ИБОДАТ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 январ, шанба № 12 (1229)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ДИЛДАН МУЛОҚОТ

Нукус шаҳридаги «Қўскўл» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Худойберган Жумабеков ўз сайловчилари билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, хусусан, 27 январда бўладиган умумхалқ референдумининг мазмун ва моҳияти ҳақида сўз борди. Референдум фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун энг муҳим қонуний асос экани таъкидланди.

(ЎзА).

РЕФЕРЕНДУМ – УМУМХАЛҚ МАСЛАҲАТИ



Бекобод шаҳридаги «Иссиқлик манбаи» корхонаси биносида жойлашган 84-референдум ўтказувчи участкада тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Айни пайтда 3 мингга яқин овоз берувчилар қатнашадиган участкада руйхатга олиш, турли ҳужжат ва жиҳозларни ҳозирлаш поёнига етди.

Суратларда: участка раиси Қурбонали Жўраев моҳир тарғиботчилар билан.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт ва алоқа мажмуининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг 2001 йилдаги якунлари ҳамда истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарган мазкур йиғилишда таъкидланганидек, мажмуа таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда ўтган йил мобайнида қарийб 1195 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу режадагига нисбатан 111,6 фоизни ташкил этади. Бунда хорижий сармоя ва кредитларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳисобот даврида соҳага 250 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди.

Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 35 фоизи янги асбоб-ускуналар сотиб олиш ва таъмирлаш ишларига сарфланди. Кўплаб йирик замонавий иншоотлар, жумладан, йилига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Шўртан газ-кимё мажмуи, олти юз минг тонна фосфор кукуни тайёрланадиган Қизилқум фосфор заводининг биринчи навбати, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Матиз» автомобилини ишлаб чиқарувчи янги конвейер, йўловчи ташишга мўлжалланган вагонлар таъмирланадиган завод, Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ темир йўли ва бошқа кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди.

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти - Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, метронинг умумий узунлиги 7,5 километрли Юнусобод йўналиши, учта кўтарма кўприкли айланма йўл, Ўзбек Миллий академик драма театрининг янги биноси ишга туширилди. Айни вақтда янги консерватория қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Ижтимоий-маиший соҳада ҳам улкан ишлар бажарилди. Ўтган йили юзлаб аҳоли яшаш манзилларига газ қувурлари тортилди, 1929 километрли сув тармоғи қурилди, ўнлаб қишлоқлар аҳолиси табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2 минг 500 ўқувчига мўлжалланган академик лицейлар, 53 минг 700 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. Кўплаб шифохона, мактаб ва бошқа маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда ишида юксалиш сезилмаётган айрим вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, компания ва уюшмаларнинг фаолияти атрофлича таҳлил этилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликларга барҳам бериш, жориш йилда амалга оширилиадиган ишлар борасидаги тадбирлар режаси белгиланди.

(ЎзА).

МЕҲНАТ БЎЛИМИ: 3716 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОЧИЛДИ

Пойтахтнинг А. Икромов тумани Меҳнат бўлимида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлашда эътиборга молик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, биргина ўтган йилда 2380 нафар киши иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган бўлса, шундан 1721 нафари ўз соҳаси бўйича иш билан таъминланди. Бўлимга мурожаат қилган 438 нафар фуқаро эса қайта ўқитиш ва касбга тайёрлаш учун ўқув марказига йўлланди.

— Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида уста-шогирд анъанаси бўйича 30 нафар ўғил-қиз ўқитилиб, ҳунар ўргатилди, — дейди бўлимнинг ишга жойлаштириш ва қайта тайёрлаш шўъбаси мудири Ниғмат Муқимов. — Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 120 нафар фуқаро жалб этилди. 41 нафари эса муддатидан олдин пенсияга кузатилди ва 471 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тўланди. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу борадаги тадбирлар режадагидан ортиғи билан бажарилди. Энг муҳими — 3716 та янги иш ўрни очилди.

— Республика Президентининг ўтган йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги munосабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар билан туман Меҳнат бўлимида олиб борилган ишлар эътиборга лойиқ, — деди бош мутахассис Ҳасан Шоисломов. — 550 нафар ишга яроқли шахс ИИБ томонидан Меҳнат бўлимига юборилди. Улардан 90 нафари ишга жойлаштирилди. Озодликка чиққанлардан 12 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди. 237 киши ўзлари хоҳлаган касбни эгаллашга ахд қилишди. 3 нафарига эса ёшга доир нафақа тайинланди.

О.ЭРГАШЕВ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Шу кунларда мамлакатимизда Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа - Ўзбекистон Республикаси референдумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Референдум ўтказувчи Қашқадарё округ комиссияси раиси М.Нормуродов ЎзА мухбирига маълум қилишича, вилоятда бу борада жиддий ташкилий-тайёргарлик ишлари кетяпти.

Вилоят ҳудудида 707 та референдум ўтказувчи участка тузилди. Референдумда бир миллион саксон мингга яқин киши иштирок этади. Округ ва участкалар зарур анжомлар ва керакли қўлланмалар билан таъминланган. Овоз бериш хоналари, кабиналари ва қутилари ҳамда бошқа зарурий ашёлар тахт қилиб қўйилди.

Вилоят аҳолиси ўз хоҳиш-истагини демократик тамойиллар асосида изҳор этиши, уларнинг бу муҳим умумхалқ маслаҳатида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинларида, ўқув масканлари, корхона ва ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда округ ва участка комиссиялари аъзолари иштирокида турли учрашув, мулоқот ва амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

(ЎзА).

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги Қонуннинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Референдумда халқ иродаси ўз ифодасини топади. Фуқароларнинг унда бевосита иштирок этиши уларнинг сиёсий ҳуқуқидир.

Мамлакат ҳаётида ўчмас из қолдирувчи бундай ўта муҳим тадбирлар кишиларимиз сиёсий жиҳатдан юксакликка эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.Айни пайтда мустақил Ўзбекистонимизда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга, демократик ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга munосабат қандай эканлигини аниқлаш имконини беради.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 41-моддасида таъкидланганидек, Референдумда қабул қилинган қарор мамлакатимизнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади. Республикамизда Конституциямиз асосида қабул қилинган қонунлар халқаро ҳуқуқий актларга, жумладан, инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро пакт, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Оврупо конвенцияси сингари жаҳоншумул ҳужжатларга таянилган.

Референдум сўзи маъно жиҳатдан жуда кенг бўлиб, жамият ва давлатнинг турли соҳаларига дахлдор бўлиши мумкин. Масалан, умумдавлат, маҳаллий, мажбурий, факультатив, конституцион, оддий, парламентгача, парламентдан кейинги, парламентдан ташқари, тасдиқловчи, бекор қилувчи, ҳал қилувчи ва маслаҳат референдумларини тилга олиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳаётидаги ўта муҳим тадбирни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юқори даражада ўтказиш юзасидан жойларда қизғин иш олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Референдум ўтказувчи округ комиссияси таркибида 664 та участка бор. Ташаббускор гуруҳлар ибратли фаолият юритишмоқда. Уларга ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, маҳалла оқсоқоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб этилган. Ташкилотчилик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилиб, овоз берувчилар сони аниқланди. Улар шаҳар бўйича 1 миллион 241 минг 555 нафар кишини ташкил этади. Шулардан 16 минг 865 нафари илк бор овоз берадилар.

Ҳар бир референдумни ўтказиш участкаси овоз берувчиларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда керакли адабиётлар, қўлланмалар, турли хил плакатлар мавжуд. Саволжавобларда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олмоқдалар. Таъкидлашларича, кексалар ва беморларнинг рўйхати тузилиб, уларга хизмат кўрсатувчи ходимлар тайинланган. Умуман, овоз берувчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

А.РАҲМОНОВ,
Тошкент давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедраси ўқитувчиси.

МАҲАЛЛАДА ДАВРА СУҲБАТИ

Андижондаги Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида референдумни ўтказиш бўйича учта участка комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу муҳим умуммиллий сиёсий тадбир арафасида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Андижон шаҳар бўлими, участка комиссиялари ва фуқаролар йиғини аъзолари умумхалқ муҳокамасига қўйилаётган масалаларни тушунтиришга бағишланган давра суҳбатини ўтказди.

Маҳалла аҳли референдумга қўйилаётган масалалар, хусусан, икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисидаги масалалар бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлди.

Наманган шаҳар маданият саройи қошидаги 267-референдум участкасида шу кунларда ҳаёт қайнайди. Бу ерда ушбу сиёсий тадбирда иштирок этувчиларнинг рўйхати тайёрлаб қўйилган. Мазкур участкада 2200 нафарга яқин фуқаро овоз бериши кўзда тутиляпти.

Бу ерга келган одам кўтаринки кайфиятни сезади. Участкада муҳим сиёсий тадбирни ўтказувчи 9 кишидан иборат комиссия аъзолари навбатчилик қилишяпти. Телефонлар мунтазам ишлаб турибди. Навбатчилар фуқароларнинг саволларига жавоб қайтаришяпти.

10 нафар тарғиботчи жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бу борада Дилфуза Исаева, Шоира Ғаниева, Отабек Фахриддинов, Фотима Жўраеваларнинг фаолияти таҳсинга сазовор.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАРҒИБОТЧИЛАР ОДАМЛАР ОРАСИДА

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

Поп ҳам мамлакатимиз миқёсида саноатлашган туманлардан бирига айланиб бораяпти. Айни пайтда бу ерда ноёб газламалардан тортиб халқ хўжалиги учун ғоят асқотадиган маҳсулотларгача тайёрланмоқда. Яқинда саноат маҳсулоти тури яна биттага кўпайди. Ўрамли томёпқич ашёлари корхонаси қошида мамлакатда биринчи бўлиб автомобил шиналарини тайёрлаш йўлга қўйилди. Натижада йилига 260 минг дона юқори сифатли камёб маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлди. Эллик нафар киши иш билан таъминланди.

И.СОБИТОВ.

ҚИШЛОҚ ТЎЛА ГАЗЛАШТИРИЛДИ

Наманган вилоятида қишлоқлар инфратузилмаси йил сайин ўзгариб бормоқда. Эндиликда тоза ичимлик суви ва табиий газ етиб бормаган қишлоқлар йўқ ҳисоб. Яқинда эса Норин туманидаги «Найман» қишлоғи аҳолиси орзуси амалга ошди. Қишлоқни газлаштириш ниҳоясига етказилди.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД — САВОБЛИ ТАДБИРЛАРГА

Туманимизда айни пайтда 25 минг нафардан зиёд нуроний истиқомат қилади. Улардан 360 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 168 киши ўзгалар парваришига мухтож, 30 нафар отахону онахон эса юз билан юзлашганлардир.

Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Нуроний» жамғармамиз томонидан хўжалик, маҳалла, ташкилот ва муассасалар қошида 37 та жамоатчилик маркази ташкил қилинган.

Ўтган йилда эҳтиёжманд кексаларга 125 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, 186 минг сўмлик озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечаклар бепул ёки имтиёзли тарқатилди. Жамоатчилик марказларимиз ташаббуси билан нафақахўрларимиз ҳолидан вақти-вақти билан хабар олинмоқда. Уруш қатнашчилари ҳудудимизда йўловчи ташиш транспортларида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлиб, уй-жой ва коммунал-маиший хизмат учун ҳақ тўлашдан, даромад, мол-мулк, ер солиқларидан озод этилганлар.

1050 нафар қария саховатпеша раҳбарлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз каби шаҳарларни зиёрат қилиб келишди.

Туман Ижтимоий таъминот ва Соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан 355 нафар фахрий сиҳатгоҳларда бепул соғломлаштирилди. «Бободеҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ташаббуси билан «Нуроний» чойхонаси барпо этилди.

Тасарруфимизда «Одил» ва «Нуроний-Денов» корхоналари фаолият кўрсатаётир. Улар ихтиёридаги бир неча новвойхона, ошхона, этикдўзлик ва кичик савдо дўконлари ишлаб турибди. Улардан тушган даромад қарияларимизнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда.

Нуронийларимиз ташаббуси билан тоғли А.Ҳидоятов номли ширкат хўжалигида 2,5 гектарли «Нуронийлар боғи» ташкил этилди. 1,5 гектар ерга эса лалми ғалла, ерёнғоқ, олма, жийда кўчатлари экилди.

2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши барча нуронийларимизни янада руҳлантирди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган отахону онахонларимиз бундан кейин ҳам мамлакат равнақи йўлида ўз билим ва тажрибаларини аямайдилар.

Примқул ТУРСУНОВ,
Денов тумани «Нуроний» жамғармаси раиси.

КОРХОНА ИШЧИЛАРИ: «ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАМИЗ»

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа - 27 январ куни ўтказиладиган референдумга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. Жойларда бу муҳим сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш масалаларига бағишланган тадбирлар давом этаётир.

Пойтахтимиздаги Ўрда гузарида ташкил этилган ана шундай йиғилишда Зулфия мукофоти ва «Умид» жамғармаси гранти совриндорлари, Президент стипендияси соҳиблари, шунингдек, пойтахтимиздаги турли олий ўқув юртлари талабалари, корхона ва ташкилотларнинг фаол ёшлари иштирок этди.

Йиғилишда референдумга қўйилган масалалар - мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришни ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳозирги босқичи тақозо этаётгани ҳақида сўз юритилди.

В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг ҳам референдумга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Бирлашма ишчи-хизматчилари бўлажак референдумда фаол иштирок этишларини билдиришдилар.

Республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоллари йиғилиши ҳам айнан шу масалага бағишланди. Сўзга чиққанлар мамлакатимиз ҳаётидаги бу сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, овоз берувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва вазифалари хусусида гапирди.

(ЎзА)

Кичик ва ўрта бизнес — миллий фаровонликка эришишнинг ўта муҳим омили

Аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бири — мамлакат қишлоқ хўжалик иқтисодиётини барқарорлаштириш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлашдан иборат. Бунга ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантирмасдан, деҳкон ва фермерлар сонини кўпайтирмасдан эришиб бўлмайди.

ФОИЗСИЗ КРЕДИТ МАДАДИ

Қашқадарё вилоятида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Аввало тадбиркорлик учун кенг йўл очиш билан бирга, шартнома режаларини ошириб уддалаган фермерлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

Айни пайтда воҳадаги 4504 та фермер хўжалиги 114482 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда.

Мамлакатимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган дон ва пахта етиштиришни кўпайтиришда фермерларнинг муносиб ҳиссаси бор. Гарчи вилоят давлатга пахта сотиш режасини бажармаган бўлса-да, юзлаб фермерлар юксак хирмон кўтариб, ўзларининг пухта билим ва бой тажрибага эга эканликларини намойиш қилдилар.

Усмон Юсупов туманидаги Рўзмат Ғойибов номли фермерлар уюшмасидан Итолмас Эшонқулов ҳар гектар майдондан 60 центнердан пахта, 50 центнердан ғалла етиштирди. Косонлик Тошпўлат Саҳамтов йилни 1 миллион сўм фойда билан якунлади. Баҳористон туманидаги Г.Шаропова бошлиқ «Янгибой», Нишон туманидаги Т.Раҳмонов раҳбар бўлган «Хўжаёр ота», Муборакдан «Тўра бобо», Касбидаги «Шоҳимардон», Қарши туманидаги «Истиқлол», Чироқчидан «Мадинабону» фермер хўжаликлари юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Тузилган уч томонлама шартномага мувофиқ мутасадди ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилинаяпти. Ёғ-экстракция заводларидан фермерлар ўзларига тегишли ёғ, шрот ва шулхани олаяптилар. Берилган имтиёзларга кўра маҳсулот учун тўлов 50 фоиз олдиндан, қолгани уч ой мобайнида тўлаш шарти билан амалга оширилади.

Биргина Косон ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамияти ҳозирга қадар 50 дан ортиқ фермер билан ҳисоб-китоб қилди. Яна 2600 тонна қунжара, 1800 тонна шелуха, 1087 тонна ўсимлик ёғи тарқатилади.

— Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари учун катта имтиёзлар яратилган, - дейди вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги директори вазифасини бажарувчи Ф.Ҳафизов. - Улар икки йилгача барча турдаги солиқлардан озод этилган. Фоизсиз кредит асосида лизинг шартномаси бўйича техника воситалари сотиб оладилар.

Ҳозирги фермер иқтисодий билимларни, менежмент, маркетинг асосларини пухта ўрганиши, оддий қилиб айтганда, ер, сув, маблағ, техника, ишчи кучи, пул ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш йўлларини билиши ва амалда қўллаши лозим.

2001 йилнинг биринчи чорагидан бошлаб вилоят «Бизнес инкубатори» томонидан қишлоқ хўжалигига оид ахборотларни тарқатиш, уларга илмий-амалий ёрдам бериш бўйича олинган «Евразия» жамғармасининг 22731 АҚШ доллари миқдоридаги гранти фермерларнинг билим ва тажрибасини оширишга йўналтирилган. Бу маблағ вилоятдаги етакчи олимлар билан ҳамкорликда тайёрланган лойиҳалар асосида фермерларни интеллектуал тоғдан қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Фермерлар чет эл сармояларини жалб этишда ташаббускорлик кўрсатишаяпти. Ўтган йили 20 та инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Ҳозиргача шундан 4 таси амалга оширилди. Қарши туманидаги «Ражаб момо» фермер хўжалиги Германия технологияси асосида мева ва сабзавотларни қуритадиган, Косон туманидаги «Бойтерак» фермер хўжалигида «Дока хлеб» фирмаси технологиясига асосланган нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, Қамашидаги «Бошлаҳғич» кичик корхонасига Италиянинг «Фота» фирмаси билан ҳамкорликда томат ишлаб чиқарувчи, Яккабоғдаги «Оқтом» фермер хўжалигида маҳаллий хом ашёдан алибастр, оҳак тайёрлайдиган цехлар қурилди, Муборакдаги «Хўжамуборак» фермер хўжалигида пардозли ғиштлар ишлаб чиқарадиган кичик завод ишга туширилди.

Фермерлик осон иш эмас, албатта. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш — давр талаби. Шунинг билан бирга воҳадаги фермер хўжаликлари қатор муаммоларга ҳам дуч келмоқдалар. Вилоятдаги МТПлар билан 584 миллион сўмлик шартнома тузилган эди. Улар томонидан фермерларга 350 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Фермер хўжаликлари азотли ўғит билан 60 фоиз, фосфорли ўғитлар билан 28 фоиз таъминланди, холос.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ҳар бир фермер, деҳқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим». Бунинг учун эса унга энг асосий шароитларни яратиб бериш керак. Шундагина у меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИЖТИМОИЙ КЎНИКМА МАРКАЗИДА

Вазирлар Маҳкамасининг маҳалла ҳудудларида таянч пунктларини ташкил этиш тўғрисидаги Қарорига амалий жавоб сифатида Жиззах вилоятида муайян ишлар олиб борилаяпти. Айни пайтда вилоятда 128 та ана шундай масканлар қуриб, ишга туширилди. Жумладан, Дўстлик туманида 6 та милиция таянч пункти фаолият кўрсата бошлади. Дўстлик шаҳрининг ҳашар йўли билан қурилган Ҳамза ва А.Навоий номли маҳаллалар ҳудудидаги ҳамда «Манас», «Оқ олтин», Қ.Раҳимов, Х.Исроилов номли ширкат хўжаликларидаги таянч пунктларида маҳалла профилактика инспекторлари ва посбонларининг самарали ишлашлари учун қулай шароит яратилган. Улар қошида спорт майдончалари ва заллари ташкил этилган бўлиб, бу ерда маҳалла болалари ўзларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказяптилар.

Таянч пунктлари қурилишига ва жиҳозланишига туман «Пахтабанк»и, ун маҳсулотлари ва пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари ҳамда қатор ташкилот, хўжаликлар ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

— Ходимларимиз 32 нафар халқ посбони маҳалла оқсоқоллари ёрдамида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришаяпти, — деди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Бахтибек Тангирбердиев. — Натижада ўтган йилда турли хил ҳуқуқбузарликлар 38 тага камайди. Айниқса, ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони кескин пасайди.

Маълумки, амнистия — юксак даражадаги инсонийлик, бағрикенглик тимсоли. Туман ички ишлар бўлими ва унинг жойлардаги таянч пунктларида жазони ўтаб қайтган шахслар қатъий назоратга олиниб, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофалаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. 60 нафар кишига туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникмалар маркази орқали 881 минг сўм миқдорида ёрдам берилди ва уларнинг барчаси иш билан таъминланди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: Ҳамза маҳалласида жойлашган 76-сонли милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция майори Олимжон Бобоев бир гуруҳ маҳалла посбонлари билан ўзаро суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.

Республика "Маънавият ва маърифат" марказида "Энг яхши маънавият ўқитувчиси" деб номланган кўрик танлов ғолиблари тақдирланди.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

- Ўқитувчининг маънавияти юксак иймон эътиқоди мустаҳкам бўлса, унинг айтган ҳар бир сўзи тарғиботчи сўзига айланади, - деди марказ директорининг ўринбосари Султонмурод Олимов мухбиримизга. – Бу эса жамиятни янада қувватлантиради. Зеро, мамлакатимиз келажаги бугунги кунда камолга етаётган ёшларга боғлиқ. Шу боис келажак авлод тарбияси давлатимизнинг ҳар бир фуқаросидан катта масъулият талаб этади.

Танловнинг мақсади ҳам ўқитувчиларнинг таълим бериш усулини назорат қилиш, улар фан талабларига жавоб берадими, деган саволга ойдинлик киритишдан иборат эди. Унда мамлакатимизда мавжуд барча мактабларнинг ўқитувчилари иштирок этишди.

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

Меҳнаткашлар манфаатларини муҳофаза қилиш ташкилотимизнинг асосий вазифалари сирасига киради. Бу борада ўтган йили анчагина ишлар амалга оширилди. Айниқса, жамоа шартномасида хотин-қизлар эҳтиёжига алоҳида ўрин берилди. Масалан, уч ёшга етмаган болаларни тарбиялаётган аёлларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берила бошланди. Икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган 3 нафар аёлга дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Мактаб ёшидаги фарзанди бўлган 18 нафар аёл ҳақ тўланадиган, яна 6 нафари ҳомиладорликнинг 5- ойидан 30 календар кунлик ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқарилди.

Тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан 6 нафар аёлнинг ҳар бирига 33000 сўмлик болалар аравачаси, 59 нафар аёлга эса 843780 сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Ходимларимизнинг 18 нафар фарзанди ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланма билан таъминланди. 35 нафар ҳеч қаерда ишламайдиган фахрийларимиз, шу жумладан 13 нафар аёлга ҳар ойда 3500 сўмдан қўшимча пенсия жорий этилди. Қолаверса, корхонада ишлайдиган ишчи-ходимларимизни ўз вақтида ишга олиб келадиган ва ишдан сўнг манзилларига элтиб қўядиган транспорт харажатларини корхона ҳисобидан қоплаш йўлга қўйилди.

Маълумки, жамоамиз кўп миллатли. Айниқса, келажак эгалари бўлмиш ёшларни тарбиялашга масъулият билан ёндошаяпмиз. Ана шуларни ҳисобга олиб, корхонамизда маънавият ва маърифат хонаси бурчаклари ташкил этилди. Спорт майдончаси ҳамиша гавжум.

Ўтказилаётган стол тенниси ва футбол бўйича мусобақалар ўз самарасини бермоқда. Тошкентда мини футбол бўйича ўтказилган мусобақада жамоамиз учинчи ўринни эгаллади.

Дарвоқе, тез-тез хашарлар ҳам ўтказиб турамиз. Ундан тушган маблағ эса «Наврўз», «Қизил Ярим ой» ҳамда вилоят кўзи ожизлар жамиятларига, шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ҳисоб рақамларига ўтказиб турилибди.

Э.НАЖМИДДИНОВ,
«Термиз» аэропорти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ЧИРОҚЧИ ЙЎЛСОЗЛАРИ

Бугунги кунда республика аҳамиятига молик 160 километр, вилоят аҳамиятидаги 92 километр ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга 32 километр йўлларга Чироқчи автомобил йўллари бошқармаси хизмат кўрсатади.

Аҳил жамоада 80 нафар киши самарали меҳнат қилаётир. Улар якунланган йилда бир қатор муваффақиятларга эришдилар. Мавжуд йўлларни сифатли таъминлаш тадбирларига 80 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бошқарма касаба уюшма қўмитаси (раиси Нормурод Бегимқулов) ҳар бир ишчи ва унинг оиласини ижтимоий ҳимоя қилишни фарз деб билади. Масалан, ўтган йили ишчи-хизматчиларнинг 15 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида бепул дам олдилар. Тўй ва тадбир ўтказаётган ишчилар учун катта миқдорда моддий кўмак берилди.

Жамоада кекса ишчиларни эъзозлаш одат тусига кирган. Байрамларда уларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, 126 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Ишчилар махсус кийим-кечаклар билан таъминланган.

Қисқаси, қаердаки ишчиларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари ҳақида ғамхўрлик қилинса, ўша ерда меҳнат унумдорлиги ортади. Буни чироқчилик йўлсозлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

Зангиота туманидаги халқ исътемоли моллари ишлаб чиқарувчи «Шарбат» кичик корхонаси Интернет тармоғига уланди.

Эндиликда тумандаги бошқа тадбиркорлар ҳам мазкур корхона орқали бевосида Интернет тармоғига уланиши ва ундан фойдаланиши мумкин.

- Бу ердан ҳар бир тадбиркор соҳасига оид ўзини қизиқтирган истаган маълумотни олиши мумкин, - дейди корхона раҳбари О.Толипов. - Маҳсулотларимни дунёга чиқараман дегувчиларга, айниқса, жуда зарур экан.

Янги йил байрами арафасида корхонада яна бир янги цех ишга тушди. Натижада 25 киши меҳнат қилаётган жамоада иш ўрни 10 тага кўпайди. Қандолат ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги цехда ойига 80 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Айни пайтда бу ерда йилига 60 тоннага яқин макарон, 30 тоннадан ошиқроқ музқаймоқ ҳам тайёрланмоқда. Шунингдек, корхонанинг 40 сотихлик иссиқхонасида анвойи гуллар парваришланмоқда.

(ЎзА).

ХИТОЙЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН

Хитой ипаги азалдан дунёга машҳур. Унинг хомашё бозорига кириш ҳар қандай давлатга ҳам насиб қилавермайди. Лекин Бухоро пилласи бунга йўл топа олди. Дарвоқе, бу махсулот айнан Хитой билан ҳамкорликда барпо этилган Ўзбекистон-Хитой «Бухоро-Хвашен КоЛТД» қўшма корхонасида тайёрлана бошланди.

Қўшма корхонани «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти хитойлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда ўтган йил баҳорида ташкил этган эди. Янги корхонанинг лойиҳа қиймати 2,22 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, «Бухоро ипаги» унинг низом жамғармасига 38 фоизлик улуш билан кирди.

Жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқараётган қўшма корхонада барча жараён компьютерлаштирилган. Ипнинг ингичка ёки қалинлигини дастгоҳларнинг ўзи назорат қилади. Қайнатилган пиллалар ўзи «йигирув хонаси»га тушиб туради. Қўшма корхона ишга тушиши билан 350 нафар бухоролик хотин-қиз муқим иш жойига эга бўлди.

ТИББИЁТДА СУҒУРТА ХИЗМАТИ

Андижондаги 4-поликлиника жамоаси билан "Ўзбекинвест" компанияси ўртасида суғурталанган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди. Бундай хизмат вилоятда илк бор жорий этилмоқда.

- Маълумки, бозор иқтисодиёти ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Суғурта ҳам бозор иқтисодиётига хос хусусиятлардан бири. Жумладан, тиббиётда суғурта хизмати ҳам, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига поликлиника бош шифокори Раъно Шерматова. -Тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги жаҳон тажрибаларини ўрганиб чиқиб, бизда ҳам суғурталанган тиббий хизмат усулига ўтиш вақти етди, деган хулосага келдик. Тиббий хизматнинг бу шакли, биринчидан, соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги рақобатни кучайтирса, иккинчидан, даволаш сифатининг ошишига олиб келади. Бунда, албатта, энг янги ташхис ускуналарига, замонавий тиббий жиҳозларга, малакали мутахассисларга, янгича даволаш усулларига эга бўлган жамоа ютади.

Яна бир афзаллик томони шундаки, "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси мутахассислари поликлиника имкониятларини ўрганиб чиққанларидан сўнг, шунда ҳам, ўзлари хоҳиш билдирган мижозлар билан суғурта шартномаси тузишни таклиф этадилар.

- Дарвоқе, хизматнинг бундай шакли тиббиёт ходимлари учун ҳам фойдали, - деди Раъно Шерматова. – Суғурталашдан келадиган даромад туфайли иш ҳақи ошади, қолаверса, техник жиҳозларни янгилаш имконияти пайдо бўлади. Мижозларимизга ҳам ўнғай, улар то шартнома муддати тугагунча, текин ва тез тиббий ёрдам олиш, уйда ёки амбулатория шароитида даволаниш имкониятига эга бўладилар.

Муассасада 14 та мутахассис ишлайди, 50 дан ортиқ клиник ва биокимёвий текширувлар ўтказиш имконига эга бўлган лаборатория, УЗИ, ЭКГ, рентген аппаратлари, физиотерапия техникалари мавжуд.

- Жорий йилнинг қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши тиббиёт ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклади, — деди яна бош шифокор. — Поликлиникамизда ҳозир 720 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳисобда туради, биз уларга асосан ўз уйларида тиббий ёрдам кўрсатиб, дори-дармонларни текин беряпмиз. Шифокорларимиз барча беморларга нафақат дори-дармон ёки муолажа билан, балки ширин сўзлари билан ҳам кўмак беришмоқда.

СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА ҲАМОН МУАММО

Ҳақли эътироз

Бозор талаби қатъий. Янгича шароитда иш юритиш ҳар бир раҳбар, мутахассис, қолаверса, ходимдан омилкорлик, тажриба, билим ва доимий изланишни тақозо этади. Муаммоларни вақтида ҳал этиш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини юксалтириб бориш учун ички имкониятларни излаб топиш, ишловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар саломатлиги ҳақида қайғуриш муҳим аҳамият касб этади. Қаерда инсон омилига эътибор сусайтириб юборилса, ўша ерда иш орқага кетади. Буни Навоийдаги «Лангар» очиқ ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир вақтлар мазкур корхона илғорлар қаторида эди. Жамоадаги соғлом муҳит, ишга ижодий ёндашиш ҳамда яхши ташаббуслар намуна қилиб кўрсатиларди. Бахтга қарши, вақт ўтиши билан мазкур корхона мушкул аҳволга тушиб қолди. Сабаби, мутасаддилар ўзларини бозор шароитида ишлашга тайёрлай олмадилар. Гранит харсангларни қазиб олиш, узлуксиз жараённи таъминлаш хусусида етарли бош қотирилмади. Боз устига, раҳбарлар тез-тез алмаштирилди.

Ҳозирги кунга келиб, ҳиссадорлик жамиятида 300 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Уларга яратилган шароит кўнгилдагидек эмас. Раҳбару мутахассислар билан фикрлашсангиз, турли баҳоналарни рўкач қилишади. Энг ташвишланарлиси, бу ерда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

Ўзаро суҳбат жараёнида шу нарса маълум бўлдики, корхонада меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси, соғломлаштириш масалалари билан етарлича шуғулланилмаяпти. Ишловчилар аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришса-да, негадир уларга сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш муаммога айланган. «Маблағ йўқ» ҳамон баҳона. Нисбатан мураккаб шароитда ишлаётган кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, кўнгилли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлгани ҳолда, тўрт йилдирки, бу ерда касаба уюшма қўмитаси фаолиятида силжиш йўқ. Ахир ишчилар учун етарли шарт-шароит яратмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Буни яхши била туриб, мутасаддилар ишловчиларнинг ҳақли талабини қондириш хусусида куйиб-пишишмаяпти. Хўш, бу алпозда санаторий ва курортларга қачон йўлланма ажратилади? Навоий вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бу муаммо ечими ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган вақт етди.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

«САРИТЎН» - ЧЎПОНЛАР КЎМАКДОШИ

Навоий вилояти Томди тумани марказида «Саритўн» хусусий кичик корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Уни тадбиркор Х.Алибеков ўз фарзандлари билан бирга ташкил этди.

Ота-болалар шахсий жамғармалари ва кредит ҳисобига терини ошлаш ҳамда қайта ишлайдиган ускуна ва технология сотиб олди. Бўшаб қолган қурилиш ташкилоти биносини қайта таъмирлаб ишга туширди.

Ҳозирда корхона чўпонларнинг яқин кўмакдоши. «Томди», Ж.Балиманов номидаги ширкат хўжалиги ҳамда чўпон-чўлиқларнинг 20 минг донадан кўпроқ терисини ошлаб берди. Бу ерда янги йилдан бошлаб иссиқ кийим-кечаклар тикилмоқда. Тадбиркорлар чўпон оилаларини қишки тўн, пўстин, телпак ҳамда қўлқоп каби кийим-бош билан таъминламоқда.

Корхона жорий йилда маҳсулот турини 10 хилга етказишни, қўшимча 10 иш ўрни очишни режалаштирган.

(ЎзА).

ШТАТ ҚИСҚАРТИРИЛГАНДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: ***Биз ишлаётган муассасада ходимларнинг сони қисқартирилиши кутилмоқда. Бундай ҳолларда ходимга Қонунда белгиланган унинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи имтиёзлар ҳақида тушунтириш беришингизни сўраймиз.***

Г.ҚОДИРОВА,
Андижон шаҳри.

ЖАВОБ: Корхона, муассасаларда ходимларнинг сони (штати) қисқартирилиши тез-тез учраб турадиган ҳоллардан биридир. Чунки қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда, муассасалар бирлаштирилмоқда ва бошқалар.

Ходимларнинг сони қисқартирилишида иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги Қонуни, Меҳнат кодекси ҳамда амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилиши зарур. Бу ўринда касаба уюшма қўмитасини четлаб ўтиш асло мумкин эмас. Чунки у меҳнаткашларни қонуний ҳуқуқларини доимо ҳимоя қилиши керак.

Иш берувчи ўз ташаббусига кўра штат қисқариши муносабати билан ўзаро тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал қонунда белгиланган бирмунча ишларни амалга ошириши керак.

Биринчи навбатда у муассасадаги штатлар жадвалига асосланган ҳолда ўзгартириш киритиши зарур. Бунга асос сифатида қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, юқори ташкилотнинг ушбу муассасага бирон-бир ишнинг бажарилиши учун ажратилган маблағнинг камайтирилиши тўғрисидаги буйруғи, ишлар хусусиятининг ўзгариши ва бошқалар хизмат қилиши мумкин.

Штатлар жадвалига ўзгартириш киритилгандан сўнг янги штатлар жадвалида лавозими кўрсатилмаган ходим, агар бўлимда бир нечта ходим ишласа-ю, улардан маълум сони қисқарган бўлса, улар Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилиши зарур. Бу огоҳлантириш хатида бўш лавозимлар бўлса, таклиф қилиниши, ҳафтанинг қайси куни иш қидириш учун белгиланганлиги ва агар иш берувчи маъқул топса, икки ойлик огоҳлантириш муддатини пуллик компенсация билан алмаштириш мумкинлиги кўрсатилиши керак.

Бундай огоҳлантириш хатига кўп ҳолларда ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар имзо чекишади. Албатта, бу ноқонуний ҳисобланади. Чунки бу хатга фақат ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс имзо чекиши керак. Бундай ҳуқуқ ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассисларга берилган эмас.

Муассасада бўш лавозимлар бўлса, ходимнинг розилиги билан у бошқа ишга ўтказилади. Ҳафтада иш қидириш учун бериладиган бир кун учун ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади ва бу кун ҳафтанинг қайси кунида берилиши иш берувчи томонидан белгиланади.

Амалиётда учраб турадиган огоҳлантириш хати олганидан кейин ходимнинг ишга чиқмаслик ҳоллари унинг ички меҳнат тартиби қоидасини бузган, деб баҳоланади ва иш берувчига Меҳнат кодексининг 181, 182-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда ходимга интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқини беради. Бу ўринда иш берувчи штатлар қисқариши муносабати билан эмас, балки ходим ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун вазифасидан озод қилиши мумкин.

Бу масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчи томони бу амалиётда учраб турадиган иш берувчи томонидан ходимни икки ойлик огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин вазифасидан озод қилиш ҳолларидир.

Агар ходим икки ойлик огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин вазифасидан озод қилинса, у ишга қайта тикланмайди. Фақат икки ойга етмаган кунлари учун ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўланади ва меҳнат дафтарчасига ишдан бўшатилган куни тўғрисида ўзгартириш киритилади.

Меҳнат кодексининг 103-моддасига асосан агар бир лавозимда бир нечта ходим ишлаётган бўлса, улар сони қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши зарур бўлганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ биринчи навбатда малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган ходимларга берилади.

Агарда ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса, Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўрсатилган ҳолларда уларга ишда қолиш ҳуқуқи берилади. Жамоа шартномасида бу масала бўйича қўшимча афзалликлар ҳам яратилиши мумкин.

Иш берувчи ходимни огоҳлантириш муддати давомида иш билан таъминлашнинг барча чораларини кўриши зарур. Огоҳлантириш муддати тамом бўлгандан кейин ходимни бошқа иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмасагина у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II қисм, I бандига асосан бекор қилиниши мумкин.

Ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишида Меҳнат кодексининг 101-моддасига мувофиқ жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши назарда тутилган бўлса, албатта, бу талаб бажарилиши шарт ва бу масала касабақўмнинг йиғилишида кўриб чиқилаётганда унинг қарори қонуний бўлиши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Уставига тўлиқ риоя қилинмоғи керак.

Республикамиздаги барча соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари ва касаба уюшма қўмиталарига шуни эслатиб қўйиш зарурки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида 2001-2003 йиллар учун жамоа келишуви тузилган бўлиб, унда ходим иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишидан олдин албатта касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, муассаса жамоа шартномасида бундай розилик олиниши кўрсатилмаганидан қатъий назар, бу жамоа келишувининг талаби соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар учун мажбурийдир.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда Меҳнат кодексининг 67, 109-моддаларига асосан ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси олдиндан тўланади ва ходим ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиши лозимлиги огоҳлантирилади.

Мабодо, ходим ишдан бўшагандан кейин иккинчи ойда ҳам ишга жойлаша олмаса, у иккинчи ой тамом бўлгандан сўнг иккинчи ой учун моддий мадад беришни сўраб ишдан бўшатган муассаса раҳбари номига ариза ёзади. Ходим паспортини ва меҳнат дафтарчасини кўрсатиши шарт. Унга ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Ходим учинчи ойда ҳам ишга жойлаша олмаса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча қилиб маҳаллий меҳнат органидан берилган маълумотномани тақдим қилади ва моддий мадад олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ходимга икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилганда ҳам Меҳнат кодексининг 67-моддасида кўрсатилган иккинчи ва учинчи ойлар учун моддий мадад олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишида касаба уюшма қўмитаси ҳамда муассасадаги ҳуқуқшунослар қонунбузарликнинг олдини олиш мақсадида тушунтиришлар олиб боришлари ва барча чораларни кўришлари зарур. Шунинг учун ҳам қонунчиликда бу масалада касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши ва ҳуқуқшуносларнинг ҳар бир буйруққа уларнинг қонунийлигини белгиловчи виза (имзо) қўйиш кўрсатиб ўтилган.

Янгийўл туманидаги «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 20 минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. 6 та маҳалла бўлиб, 50 нафарга яқин иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари эъзозда.

Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби бу ерда ҳам «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан уларга алоҳида эътибор қаратилган.

Суратда: «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мусо Жонузоқов нуронийлардан Фатхулла ота Иброҳимов ҳамда Шароф ота Камоловлар билан мулоқот пайтида.

Сурхондарё вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ ёнғиннинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларига астойдил киришдилар.

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН

- Поёнсиз ўрмонзорларга тушган ёнғиннинг нақадар мудҳиш эканлигини гоҳи-гоҳи телевизорда кўриб қоламиз, - деди вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармасининг масъул ходими Асқарали Номозов "Туркистон-пресс"мухбирига - Олов шундай нарсаки, у дўстни ҳам, душманни ҳам ва кечаю-кундузни ҳам фарқламайди. Унинг дўсти ғафлат.

А.Номозов ўтган йил вилоятда 783 та ёнғин ҳодисаси юз бериб, бундан 8 киши ҳалок бўлгани, 78 киши тан жароҳати олганини айтди. Шунингдек халқ хўжалиги ва аҳолига қарийиб 21 миллион сўмлик моддий талофат ҳам етди. Таҳлилларга кўра, Ангор, Музработ, Узун, Жарқўрғон, Бандихон, Қизириқ, Денов, Термиз тумани ҳамда Термиз шаҳрида ёнғинлар бир қадар ортган.

Нега ёнғинлар сони камаймаяпти, деган савол туғилади. Бизнингча, буларнинг ортида аҳолининг лоқайдлиги, эҳтиётсизлиги турибди. Шунинг учун маҳаллалар ва қишлоқларда бўлиб тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Истиқлол шарофати

ҲАЖ - УЛУҒ ИБОДАТ

Бўлғуси ҳожиларимиз дастлабки гуруҳининг улуғ сафарга жўнаб кетишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Бахромов ЎзА мухбири билан суҳбатда ҳаж сафарига бориш тартиб-қоидалари, тайёргарлик жараёнлари ва бундай савобли ишга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамнинг аҳамияти хусусида сўзлади.

- Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас ибодат бўлган ҳаж мавсуми бошланмоқда. Ҳижрий йил ҳисоби бўйича шаввол ойи кириши билан мўмин-мусулмонлар улуғ сафарга руҳан ва жисман ҳозирланиб, Тангри розилигини истаб ҳажга боришни ихтиёр этади. Зеро, Ислом дини фарзларидан бири ҳаж амалини бажариш, Саудия Арабистонидаги Байтуллоҳни ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилиб маънавий-руҳий покланишдир.

Мустақиллик шарофати ила диёримизда эътиқод эркинлигига юксак ҳурмат-эътибор билан қараляпти. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигларида ҳукуматимиз ушбу ниятда сафарга отланаётганларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатиб, уларга талай қулайликлар, имтиёзлар яратиб бермоқда. Натижада юртдошларимизнинг ҳаж сафарига соғ-саломат, уюшган ҳолда бориб-келишлари таъминланаётир.

Улуғ ибодатнинг барчага мақбул ҳолда ўтишини таъминлашда ҳукуматимизнинг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори, айниқса, муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Шуни шукроналик билан таъкидламоқчиманки, фуқароларимизнинг муборак ҳаж зиёратига уюшган ҳолда бориб-келишлари учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилаётгани беҳад таҳсинга лойиқдир. Айниқса, бу ишни адо этиш Ўзбекистон мусулмонлари идораси зиммасида эканлиги бизга катта шараф ва масъулият юклайди. Шу боис ҳаж сафарини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказишга, зиёратчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини одилона қондиришга, уларга қулай шароитлар яратишга сидқидилдан ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда ҳар бир ишни адолатли ҳал этиш бош мезонимиз бўляпти.

Бу борада бизга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, ушбу масъулиятли ва савобли ишга мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳам жалб этилган.

(Давоми 4-бетда).

Шарҳловчи минбари

Халқаро аксилтеррор коалициясининг Афғонистонда амалга оширган ҳарбий тадбирлари ниҳоясига етиб борар экан, мамлакат иқтисодини тиклаш билан бирга яна бир муаммо кўндаланг турибди. Афғонистон ҳудудида миллионлаб мина қолиб кетган.

АФҒОНИСТОН: УРУШНИНГ МАШЪУМ МЕРОСИ

Урушнинг бу машъум мероси аввал собиқ иттифоқнинг Афғонистондаги уруши туфайли қолган бўлса, толиблар ҳукмронлиги даврида янада кўпайди. Энди афғонистонликлар олдида оёқ остидаги фалокатни тугатиш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Тинч ҳаётга қайтишда тупроқ остида қолиб кетган миналар тўсиқ бўлиши табиий. Хавф сақланар экан, далаларга экин экиш, биноларни қуриш, йўлларни тиклаш қийин кечади.

Яқинда биргина Саланг довонини тозалаш натижасида 819 дона мина ва бошқа турдаги портловчи моддалар зарарсизлантирилди. Мамлакатнинг ҳамма ерида уруш ҳаракатлари бўлгани ҳисобга олинса, ажал уруғининг қанчалик кўплигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудудини минадан тозалаш учун камида 12 йил ва 500 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлар экан. Ҳозир афғон заминида 6-8 миллион дона мина ўз қурбонини кутиб ётибди. Ҳар ҳафта мамлакатда юзга яқин мина портлайди. Бу кимнингдир ногирон бўлишига, яна кимнингдир ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлаётир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган 20 йил давомида 500 минг одам бехосдан портлаган минанинг қурбони бўлган ёки бир умрга ногирон бўлиб қолган.

Хўш бу муаммони қандай ечиш мумкин? Қарийб чорак асрдан буён урушдан боши чиқмаган ва буткул вайронага айланган мамлакат учун ўз ҳудудини минадан тозалаш катта иқтисодий муаммодир. Демак, халқаро ҳамжамият кўмагисиз бу муаммони ҳал этиб бўлмайди. Шу боис кўпгина мамлакатлар Афғонистонга моддий ёрдам кўрсатса, айрим давлатлар Афғонистонга мутахассис юбориш ҳаракатида. Минани топиш ва зарарсизлантириш ўта нозик ва хавфли иш экани маълум. Бу ишга мазкур соҳада катта тажрибага эга мамлакатлар бош қўшса, кўпроқ самара бериши мумкин.

Яқинда Камбожа ҳукумати миналарни зарарсизлантириш бўйича катта тажрибага эга бўлган мутахассислардан бир гуруҳини Афғонистонга юборишини маълум қилди. Шуни таъкидлаш жоизки, Камбожанинг ўзи ҳам узоқ урушдан жабр кўрган мамлакатдир. Гарчи, у ерда фуқаролар уруши барҳам топганига ўн йилдан ошган бўлса-да, камбожаликлар 30 йиллик уруш қолдирган машъум меросдан бутунлай халос бўла олгани йўқ. Мамлакатнинг турли бурчакларида одамларнинг мина портлаши туфайли ҳалок бўлаётгани бот-бот қулоққа чалиниб туради. Камбожа тупроғида ҳали ҳам 6 миллион донагача мина бор. Бевосита минага тушиб ҳалок бўлганлар сони 40 мингни ташкил этмоқда.

Сўнгги хабарларга қараганда, Камбожа бош вазири Хун Сен тегишли идораларга Афғонистонга мутахассис юбориш ҳақида кўрсатма берган. 1999 йили камбожалик мутахассислар Косовода ҳам худди шундай миссияни амалга оширган эди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

РАИС САЙЛАНДИ

Оврупа Иттифоқи парламенти сўнгги сессиясининг фаолияти анча мушкул кечди. Чунки, унинг кун тартибига ОИ парламентининг янги раисини сайлаш масаласи қўйилган эди. Зотан, номзодлар ҳам оз эмасди. Ниҳоят, бир неча бор қайта-қайта овозга қўйилганидан сўнг Ирландия вакили Пай Кокс раис этиб сайланди. У франциялик Николь Фонтэн хоним ўрнини эгаллади.

ҚАЁҚҚА КЕТГАНЛИГИ НОМАЪЛУМ

Яқинда АҚШ оммавий ахборот воситалари ЦРУ (Марказий Разведка Бошқармаси) таҳлил хизмати маҳкамасининг махсус махфий маърузасини эълон қилдилар. Унда айтилишича, Усома бин Лодин ўтган йил декабри бошларида Афғонистонни тарк этган. Унинг Жанубий Осиё ёхуд Африка қитъасига равона бўлганлиги тахмин қилинади. «Эй-би-си Ньюс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Катар телекомпанияси — «Ал-Жазира» берган видеотасмалар чалғитиш учун атайлаб қилинганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

ТЕЛЬ-АВИВ ҚАРШИ

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес расмий Тель-Авив Яқин Шарққа халқаро тинчликпарвар кучлар жойлаштирилишига қарши эканини яна бир бор маълум қилди. Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишнинг ягона йўли минтақадаги террорчи гуруҳларни бутунлай яксон қилишдан иборатдир, деди вазир.

ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

Миср президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак Ироқ ҳукуматини БМТ билан ҳамкорликни тиклашга чақирди. Бу АҚШнинг халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Ироқ ёки Араб давлатларида ўтказиши кутилаётган ҳарбий операцияларнинг олдини олишга ёрдам берган бўлур эди, деди президент.

ГАЗЕТАЛАР ЧИҚА БОШЛАДИ

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб Чеченистонда маҳаллий газеталар қайтадан чоп этила бошланди. Республика босмахонасининг ишга туширилиши ана шундай имконият яратди. Илгари газеталарни Доғистон ва Шимолий Осетияда босишга мажбур бўлинган эди. Нашриётни ишга туширишда Ярославль вилоятининг Рибинск шаҳридан келган мутахассислар катта ёрдам бердилар.

ҚОРА КУРСИДА СОТҚИН

Америкада жуда кам учрайдиган воқеа — ҳаммани қизиқтираётган суд жараёни давом этмоқда. Қора курсида Жон Уокер деган кимса ўтирибди. У сотқин, Афғонистонда бўлганида толибонлар томонида туриб, жанг қилган эди. У қўлга тушгач, Мозори-Шарифда ҳибсда сақланди. Эндиликда хоин Америка суди олдида ўз қилмишлари учун жавоб беради, деди АҚШ президенти Жорж Буш. Оммавий ахборот воситалари шарҳчиларининг фикрича, Ж.Уокер умрбодлик қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

ЕВРОДАН АЛЛЕРГИЯ?!

Оврупа қитъасидаги 12 мамлакат ҳудудида муомалага киритилган янги пул бирлиги — Евро кейинги кунларда анча-мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки, Евро тангаларини ушлаган одамларда аллергия ҳасталиги қўзғалмоқда, деган миш-миш тарқалди. Лекин, мутахассислар бу гапларни рад этдилар. Уларнинг сўзларига қараганда, тангаларни қуйишда фойдаланилган металлар мутлақо зарарсиздир.

35 ЙИЛДАН СЎНГ

Россиянинг қатор минтақаларида қор бўронлари, сув тошқинлари сингари табиий офатлардан аҳоли қаттиқ азият чекмоқда. Краснодар ўлкасидаги Кубан дарёсининг тошганлиги, айниқса ёмон бўлди. Одамлар ғарқ бўлаётган уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Ўнлаб хўжаликлар инқирозга юз тутди. Фавқулодда ҳолат вазирлиги ходимларининг ёрдамга келганлиги ҳам унча катта наф бермади. Лекин кейинги кунларда дарё сатҳи бироз пасайиб, келажакка умид уйғота бошлади. Обҳаво мутахассисларининг айтишича, бундай фалокат 35 йилдан сўнг такрорланган.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАЖ - УЛУҒ ИБОДАТ

(Боши 3-бетда).

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бўлғуси ҳожиларнинг сафар ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминламоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилаётган тиббий талаблар ва ушбу мамлакатнинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда сафар давомида ҳам улар саломатлигини доимий назорат қилиб туриш учун махсус шифокорлар гуруҳи ҳамда керакли доридармон ажратиб беришни зиммасига олган.

Давлат томонидан бўлғуси ҳожиларга кўрсатилаётган бундай имтиёз ва енгилликларни, айтиш лозимки, жаҳондаги бирон-бир мамлакатда учратишимиз амри маҳол. Юртимизда муборак зиёратга бориш тартиби жуда яхши йўлга қўйилган. Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги ўтган йилги зиёрат натижалари таҳлилига кўра, ўзбекистонлик ҳожиларни энг интизомли, уюшган ва ҳар томонлама таъминланган, дея эътироф этгани ҳам бежиз эмас.

Ҳожиларимизнинг оммавий маросимлар - барча зиёратчилар арафа куни жам бўладиган, Одам алайҳиссалом билан онамиз Момо Ҳаво учрашган жой - Арафот тоғида бажариладиган ибодат вақтида кўрсатаётган ҳамжиҳатликларига бошқа давлатлардан келган зиёратчилар ҳам ҳавас билан қараётганига кўп бор гувоҳ бўлдик. Бинобарин, бу улуғ сафар жамият фаровонлиги даражасини кўрсатувчи, инсонларнинг бирлигини ифодаловчи, мусулмонларнинг Яратган парвардигорига якдиллик билан итоат этишини таъминловчи муқаддас ибодатдир.

Шариатимиз таълимотига кўра, ҳажнинг фарзлари учтадир. Булар - эҳром либосида юрмоқ, Арафот тоғида бир муддат туриб қайтмоқ, Байтуллоҳни етти бор айланиб тавоф қилмоқдир. Ҳаж сафарини ихтиёр этган ҳар бир мусулмон, аввало оқил, болиғ, тани соғ, йўл харажатларига қодир бўлиши ва оиласи сафар мобайнида моддий таъминланган бўлиши шарт. Бундан ташқари, бўлғуси ҳожиларимиз намунали ахлоқ-одобга, хулқ-атворга эга бўлмоғи зарур.

Шу боис, зиёратга бориш истагини билдирган фуқароларнинг аризаси жойларда кўриб чиқилаётганида ана шу каби инсоний фазилатларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳаж зиёратини ихтиёр этган юртдошларимиз орасида аёллар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сафар давомида уларга таннамаҳрам ҳамроҳлик қилиши ҳаж шартларига киради.

Байтуллоҳни зиёрат этишга мушарраф бўлмоқ Аллоҳнинг улуғ марҳаматидир. Муборак ҳаж сафарига боришликни ният қилган бўлажак ҳожиларимизнинг Тангри иродаси билан Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввардаги муқаддас зиёратгоҳларга эсон-омон бориб, Ислом динининг бешинчи арконини мукаммал адо этиб келишликларини Парвардигордан сўраймиз. Зеро, ушбу ибодат йўлида қўйилган ҳар бир қадамда, билиб-билмай қилинган гуноҳлар маҳв этилиб, улар ўрнига ажрлар ёзилгай. Ҳажжи мабрур, яъни шубҳа, ёлғон ва жиноятлар аралаштирмай адо этилган ҳажнинг мукофоти жаннатдир.

Суҳбатни ЎзА мухбири Ўктам ДЎСТЁР ёзиб олди.

Бор бўл, оқибат!

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Турли ташкилот ва муассасаларда қарияларимизни эъзозлаш, уларнинг дилларини шод этиш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда, ёлғиз, қаровчиси йўқ кексаларимиз ҳолидан хабар олиниб, уларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ишдан касаба уюшма ташкилотлари ҳам четда қолмаётир.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тармоқда кўп йиллар ҳалол меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийларни бир пиёла чойга таклиф этди. Марказий қўмита учрашувга тўпланган азиз меҳмонларга ҳурмат бажо келтириб, уларга қимматбаҳо совғалар тортиқ қилди. Гурунг иштирокчилари мамлакатимизда олиб борилаётган оламшумул ишлар, халқимизнинг моддий, маънавий фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида мамнуният билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Қариялари ҳурматда бўлган юртнинг ёшлари иззат топади, - деди меҳнат фахрийси, етмиш беш ёшни қоралаган Зокир ака Мирраҳимов. - Бирон-бир байрам, сана йўқки, қадрдон касаба уюшмамиз бизни йўқламаса. Масалан, Марказий қўмита бу йил катта бир савобга қўл урди, биз пенсионерларни касаба уюшмамиз нашри бўлмиш «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига бепул обуна ташкил қилиб берди.

Ҳа, меҳнат қилган элда азиз. Айниқса, кексайган чоғингда меҳнатларинг зое кетмаганлигини кўриш, унинг қадрланаётганлигини билиш кишига олам-олам қувонч бағишлайди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҲИКМАТ

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

«Авесто»дан.

Ним табассум

ХОТИРА КУЧИ

Мижознинг кайфи ошиб қолганини кўрган официант вақт борида ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлди:

— Кечирасиз, сиздан 4 минг 780 сўм.

Мижоз ҳамёнини олиб, нақ 5 минг санаб берди. Официант бир соатдан кейин қарасаки, у ҳамон ўша жойда ўтирибди. Яна ёнига борди.

— Сиздан 4 минг 780 сўм.

Мижоз ҳамёнидан яна 5 минг чиқариб берди. Бир пайт барни ёпмоқчи бўлиб қарашсаки, бояги хўранда ҳали ҳам ўтирибди. Официант унинг олдига борди.

— Кечирасиз, биз кетаяпмиз. Ҳақини тўлайсизми?

— Тўлайман. Қанча?

— 5 минг сўм.

Мижоз кўзларини аранг очиб, официантга қаради:

— Кечириб қўясиз, 4 минг 780 сўм!

ХУСУСИЙ ЧОРРАҲА

Йўл-патрул хизмати ходими бошлиғининг олдига кириб деди:

— «Лотто-миллион» ўйнаб эллик миллион ютдим. Ижозат берсангиз, ўз аризамга кўра ишдан бўшасам.

— Биздан кетиб, нима қилмоқчисан? — сўради қизиқиб бошлиқ.

— Бирор чорраҳа сотиб олиб, мустақил равишда ишлайман.

ОХИРГИ ЧОРА

Ёш она ҳарчанд ҳаракат қилмасин, гўдагини овутолмади. Охири тоқати тоқ бўлиб эридан сўради:

—. Балки қўшиқ айтсам ухлаб қолармикан-а?

Эрининг эсхонаси чиқиб, деди:

— Асло! Сен аввал яхшиликча ухлатишга урниб кўр-чи, бўлмаса бирор чорасини ўйлаб топармиз.

ЭҲТИЁТКОРЛИК

Ковбой барга кириб, отига бир челак виски буюртма берди.

— Нима, ўзингиз ичмайсизми, — сўради бармен.

— Йўқ, менга тўғри келмайди, — дея жавоб қилди ковбой. — Борадиган манзилимиз анча олис.

ЗИЁН

Ёш йигит дўстига ҳасрат қилди.

— Ҳов, анави «Мерс» минган кишини кўраяпсанми, ўша мени катта пулга тушириб кетди.

— Нима, шерикликка у-бу иш қилган эдингми?

— Э йўқ, — жавоб қилди у. — Қанча уринмай, қизини менга бермади.

Имконият бой берилди

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида шахмат бўйича «Корус» халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Мусобақанинг тўртинчи босқичида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов россиялик шахматчи Александр Халифман билан куч синашди. Бироқ, бу учрашувда Рустам имкониятни бой берди.

Р.Қосимжонов бешинчи турда франциялик шахмат устаси Жоэль Лотьега қарши дона суради.

(ЎзА).

Турмуш чорраҳаларида

ТИЛЛА ЗИРАК

Акасининг уйига кўчиб келди-ю, Ҳалиманинг тинчи йўқолди. Дугоналарим билан ижара уйда яшайман, деган эди, йўқ, онаси кўнмади:

— Аканг хафа бўлади-я, шундай қатта ҳовлини ким учун қурганман, деб. Бу гапингни аканг эшитмасин.

Бу гап она-ю қизнинг ўртасида қолган бўлса ҳам акасининг катта ҳовлисига Ҳалиманинг муштдеккина юраги сиғмади. Келинойисининг кесатиқли нигоҳи, қошларини чимириб, сўзсиз кузатишлари жон-жонидан ўтиб кетди. Акаси ишга чиқиб кетган дақиқадан бошлаб, уйда сукунат ҳукмрон бўлар, келинойиси гўё у йўқдек ўзи билан ўзи овора бўлиб соатлаб ётоққа кириб кетарди. Бундай пайтларда Ҳалиманинг ягона овунчоғи жиянчаси Сардорбек эди. Ҳар куни дарсдан қайтишда уни боғчадан олиб келар, қизиқ-қизиқ эртаклар айтиб берар, шеърлар ёдлатарди. Сардорбек чучук тили билан шеър айтганда, Ҳалима мириқиб куларди.

Дарсдан бўш пайтларида у келинойисининг ишларига астойдил қарашар, овқат пишириб, кир ювар, уйларни чиннидек тозалаб қўярди. Унинг эса чеҳраси сира ҳам ёришмас, қовоғидан қор ёғиларди.

Акаси ҳам гўё бегонадек, ишдан келади, гап-сўзсиз газета-журналга ёпишади, овқат маҳали ҳам чеҳраси очилмайди. Акаси олдинлари қандай меҳрибон эди-я. Ҳазил-ҳузул билан бахтиёр яшашарди. Синфдош дугоналари Ҳалимага ҳавас қилишарди, чунки акаси деярли ҳар танаффусда ундан хабар олар, ўқишларига ёрдамлашар эди. Энди эса...

Акасини ўзгартирган шаҳармикин ёки мансаб?! Ҳалима ўйлаб ўйига етолмасди. Баъзан онасини, ёру биродарларини соғинганда акасининг бағрига ўзини отгиси, «дод» деб йиғлагиси келарди. Аммо акасининг салобати, тунд қиёфасидан дарҳол ўзига келарди. Шундай пайтларда Сардорбеккина унинг соғинчларига малҳам қўяр, гўё акасининг асли ана шу гўдаккинага кўчгану, ўзи бошқа одамга айланган эди. Ҳалима Сардорбек билан ўйнаб чарчамас эди. Унга лойдан турли шакллар ясаб берарди. Жиянчаси зеҳнли бола эмасми, тезда уларни ясашни ўрганиб олган эди. Ҳатто Ҳалима йўқлигида ҳам бир ўзи лойдан ажойиб саватлар, гуллар, қўғирчоқлар ясарди.

Ҳалима бир куни дарсдан қайтса, хонаси бесаранжом, китоблар сочилиб ётар, кийимлари титиб ташланган. Олдинига у Сардорбек ўйнаб сочгандир, деб ўйлади-ю, уларни йиғиштиришга чоғланди.

Шунда сочлари тўзиб кетган, кўзлари қизарган келинойиси эшикда пайдо бўлди, орқасидан акаси ҳовлиқиб етиб келди:

— Ўзим, ўзим сўрайман, - дея хотинини тинчлантирган бўлди.

— Тўғрисини айт, Ҳалима, кимга сотдинг, айт, қўрқма. Биз сенга ҳеч нима демаймиз.

— Ҳо, ҳеч нима демаймиз эмиш, шундай қимматбаҳо буюм йўқолади-ю, бу киши сингилларини ёнини оладилар.

Бу вақтда Ҳалима бутунлай гарангсираб қолганди. У ичидан тошиб келган йиғисини зўрға босди.

— Нимани, нимани олибман?

— Нимани эмиш, - келинойисининг товуши ғазабли тус олди. - Билиб туриб, ўзини гўлликка солади-я, мени зирагимни, қўлинг сингур, мени зирагимни.

Ҳалима донг қотиб қолди. Тўғри, бир неча бор келинойисининг қулоғида тилла, атрофи жим-жимадор зиракни кўрганди, аммо уни ўғирлаш у ёқда турсин, ушлаб ҳам кўрмаган.

— Мен билмайман, қаердан бўлса ҳам, зирагимни келтириб берасан, агарда олиб келмасанг, шармандангни чиқараман, - деб келинойиси энди ўрнидан қўзғалган ҳам эдики, Сардорнинг:

— Ойижон, буни қаранг, чиройлими, - деган овози янгради.

Унинг қўлида лойдан ясалган саватча-ю, ичида келинойисининг тилла зираги ял-ял ёниб турарди.

Навбаҳор РАҲМОНОВА.

ИСТИҚБОЛЛИ КАШФИЁТЛАР

Гўштни музлатадиган дастлабки қурилма 1861 йили Австралиянинг Сидней шаҳрида яратилди. 1881 йили Бостон (АҚШ)да ва Лондон (Англия)да ҳам дастлабки музлатиш қурилмалари пайдо бўлди.

Россияда эса бундай мосламалар илк бор 1888 йили Астрахандаги балиқ корхоналарида қўлланила бошланди.

* * *

Швейцариялик мутахассислар сув ҳамда пар қувурларининг суви ва буғини тўхтатмасдан таъмирлаш усулини топишди. Қувурнинг таъмирланадиган жойига музлатадиган махсус қурилма туташтирилади.

Шундан кейин ўша жойдаги сув ёки буғ музлаб қолади, қувур эса бемалол таъмирланаверади.

* * *

Канадалик бир гуруҳ олимлар шундай қурилма яратишдики, унда сув бевосита алангага тегиб турган ҳолда қизийди. Мазкур усул ички девори бўйлаб сув оқими ҳаракатланадиган гидроциклон қурилмаси учун мўлжалланган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Истеъдод

НАФОСАТ ШАЙДОЛАРИ

Тошкент шаҳридаги Успенский номли махсус мусиқа мактабини нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Ўзбек мусиқа мактабининг довруғини дунёга таратган Алексей Султонов, Станислав Юденич ва Элдор Небольсин ҳам ушбу мактаб ўқувчиларидир.

— Мусиқа соҳасидаги улкан ютуқларга фақат Успенский номли махсус мусиқа мактабида ўқибгина эришиш мумкин, — деб ҳисоблайди опа-сингил Алие ва Лейля Бекировалар.

Ҳозирда улар Германиянинг Ганновер шаҳридаги мусиқа ва театр Олий мактабида таҳсил олмоқда.

Мусиқа мактабида, Гулнора Сулайманова қўлида таълим олган қизалоқлар тенгдошлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Улар 1998 йили Германияда ўтказилган «Кисинген Зоммер» фестивалининг лауреатлари бўлишди. Шу йил Алие Италиянинг Генуя шаҳрида ўтказилган буюк мусиқачи Паганини номидаги танловда қатнашиб, машҳур мусиқачи, ҳайъат аъзоси Эдуард Грач назарига тушди.

Опа-сингиллар ўз концерт дастурлари билан Польша, Чехия, Франция, Италия каби кўплаб Европа давлатларида бўлишган.

Суратда: опа-сингил Алие ва Лейля Бекировалар.

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Турфа олам

Сарлавҳани ўқиб ажабланаётгандирсиз? Тўғри, туяқушлар Африка ва Австралия мамлакатида яшайди. Уларнинг иссиқликни яхши кўриши ҳам бор гап. Аммо...

ТУЯҚУШ ИШҚИБОЗИ

Гапнинг индаллоси, Пайариқ туманидаги Челак матлуботсавдо акциядорлик жамияти қошидаги ёрдамчи хўжалик тадбиркорлари туяқуш парвариш қилишмоқда. Улар бошқаларга ўхшаб қорамол ёки қўйэчки боқиши ҳам мумкин эди. Бироқ ёрдамчи хўжалик раҳбари Бекпўлат Латипов россиялик таниши туяқушлар кўпайтираётганини эшитиб, шу ишга қизиқиб қолди.

У иккиланиб ўтирмасдан Краснодар шаҳрига отланди. Бориб дўстидан туяқуш боқишнинг сир-асрорини ўрганди. Ноябр ойида 3 та уч ойлик ҳамда 3 та тўрт ойлик туяқуш жўжасини олиб қайтди.

- Туяқушларни керакли тузлар қўшиб тайёрланган омихта ем билан боқаяпмиз, - дейди Б.Латипов. - Парваришимиз ёмон эмас. Жўжалар ўсиши қониқарли. Насиб бўлса, уларнинг бўйи икки ярим метргача ўсиб, вазни 130, 150 килограммга етади. Икки ёшдан бошлаб тухум қўяди. Тухумнинг оғирлиги қарийб икки килограмм бўлади. Уларнинг ҳар бири бир йилда етмиштагача тухум қўйиши мумкин. Шуниси эътиборлики, туяқушларнинг гўшти мазали ва фойдалидир. Терисидан сифатли чарм тайёрлаш мумкин. Чанг ютиш хусусиятига эга бўлган пати ҳам қимматбаҳо ҳисобланади.

Ҳозирча бор гап шу. Туяқушлар бизнинг шароитга қанчалик мослаша олади - буни, албатта, вақт кўрсатади. Лекин, нима бўлганда ҳам, Б.Латиповнинг ҳам табиат шайдоси, ҳам тиниб-тинчимас тадбиркор эканига шубҳа йўқ.

Кичкинтой чевар

ИЛК КЎРГАЗМА

Мамлакатимизда Бадиий академия тузилганидан сўнг, унинг қошида ижодкорлар уюшмаси ташкил топди. Унда турли секциялар, жумладан, фото-рассомлар секцияси фаолият кўрсата бошлади.

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида очилган «Ўзбекистон фото-рассомлари - 2002» фотокўргазмаси бу соҳа усталари яратган ижодий ишларнинг илк намойиши бўлди. Кўргазмага 17 нафар фото-рассомнинг 150 дан ортиқ асари қўйилган.

Спорт, қишлоқ ҳаётидан лавҳалар, табиат тасвири, ҳайвонот олами, тарихий обидалар каби турли хил мавзулардаги асарлардан иборат мазкур кўргазмани ўтказишдан мақсад фото-рассомлар санъатини тарғиб этиш, шунингдек, ёш истеъдодларни жалб қилишдан иборат.

Кўргазма 30 январгача давом этади.

(ЎзА).

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 25. 1 2 3 4 5 6